



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 13-iyun • №24 (4267)

ЖАННАТ ДИЁР НЕЪМАТЛАРИ

Она заминимиз бағрида етилган турфа ноз-неъматларни татиб кўрган ҳар қандай меҳмон уларни жаннат боғи меваларига қиёслайди. Бу бежиз эмас. Бобо кўшимизнинг беминнат саховатию ўзбек деҳқонининг қайноқ меҳри билан бунёд бўлади бу тансиқ неъматлар. Боз устига асрлар бўйи аждодлардан авлодларга ўтиб, сайқал топиб келаётган зиротчилик маданияти ҳам Ўзбекистон тупроғида етилган мевачеваларга бетакрор таъму тансиқлик бахш этган, десак муболага бўлмайди. Наманганнинг олмасида Хоразмнинг қовунига, Даш-

нинг дунё селекциясида ўхшаш бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати билан таништириш, озик-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал озик-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини муҳокама этишдан иборат деб биламиз”, дея таъкидлади.

Муносабат

Дарҳақиқат, бошқа бирон ҳудудда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иклим шароитларимиз она заминимизни айни жаннатнинг ўзига айлантган. Бироқ мураккабликка эришилгунга қадар бу бебаҳо заминнинг бетакрор имконияти фақат пахта яккахокимлигига бўйсундирилган эди. Истиқлол йилларида пахта майдонлари икки баробар қисқартирилиши туфайли эндиликда ҳар йили мамлакатимизда 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Сўнги уч йилда эса, экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробарга ошиб, дунёнинг 80 давлатига 180 турдан ортиқ сархил мевасабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Токзорлар, мевазор боғлар майдони муттасил кенгайтирилиб, янги интенсив боғлар барпо этилаётган.

Юртбошимиз нутқида қайд этилган яна бир жиҳат ҳам барчамизни ғоятда мамнун этади. Яқин йилларда мевасабзавот хом ашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳасини қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилаётган экан. Бу режалар мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллатиш билан бирга аҳолини дароматди юқори бўлган иш ўринлари билан таъминлаш, фаровонлигини янада юксалтириш мақсадларига хизмат қилади. Конференцияда иштирок этган хориж мутахассислари юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, мева етиштиришнинг Ўзбекистон тажрибасини эътироф этаётганлари ҳам ислохотларнинг “Ўзбек модели”, бизнинг ўзига хос тараққиёт йўлимиз нақадар ҳаётбахш қудратга эгалигини яна бир далолатдир.

М.АБДУЛЛАЕВ



Беғубор болалик паллалар яхши, Биллур сувлар айтган аллалар яхши.

А.Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат.

ЗАМОН ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президент Ислон Каримовнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” риволасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда атоқли шоир ва адиблар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ҳамда бадий ижод мухлислари иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мухаммад Али йиғилишни очиб, бугунги кунда ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтди. Чунинчи, Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда эълон қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижод аҳли учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. “Ижод” фонди кўмағида ёзувчиларни моддий-маънавий

қўллаб-қувватлаш, етук асарлар ёзиш учун мақбул шароит ва имкониятлар яратиб бериш, кекса ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ёш ижодкорларнинг

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

илк китобларини давлат ҳисобидан нашр этиш каби кўлаб қўллуғ вазифалар амалга оширилди. Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси, “Дўрмон” ижод уйи тўла таъмирланган ҳолда ёзувчиларга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар бутун республика миқёсида кенг

қўламда ўтказилди. Шунингдек, Пиримкул Қодиров, Улмас Умарбеков, Тўра Сулаймон, Охунжон Ҳаким сингари атоқли адиб ва шоирларимизнинг таваллуд саналари ҳақиқий адабиёт байрамига айланди.

Мустақиллик даври адабиётининг энг сара намуналари

шаҳарларида ёш ижодкорларнинг минтақавий “Истеъдод мактаби” семинарлари ўтказилди. Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан адибларимиз ҳам муносиб ижод қилишга, бадий мукамал асарлар яратишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Аммо, бугунги имкониятларимиз нуктаи-назаридан қараганда, амалга оширилган ишлар хали етарли эмас. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда ҳар куни бир янгиликнинг, ибратли бир ютуқнинг, янги ташаббус ёки ихтиронинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан ўзбекистонлик ёшлар эришаётган ғалабалар ҳақида хушхабарлар келиши эса оддий воқеа бўлиб қолди. Кўз ўнгимизда мамлака-

тимизнинг янада буюк келажак, бугунги улғувор ишларнинг давомчилари бўлган янги авлод вояга етмоқда. Ана шундай масъулиятли бир даврда ижодкорлар ўз фаолиятини яна бир таҳлил этиб, бугунги кун талаблари асосида янада фаолроқ ижод қилиши лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан таникли адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, шоирлар Шарифа Салимова, Нодир Жонузоқов ва бошқалар ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор, бугунги кун қаҳрамонлари ҳаёти акс эттирилган янги асарлар яратиш ҳақида сўзладилар.

Йиғилишда Президентимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” асарида ижодкорлар олдида қўйилган вазифаларнинг ўтган давр ичидаги ижроси чўқур таҳлил қилинди, шунингдек, бугунги кун талабларидан келиб чиққан янги вазифалар белгилаб олинди.

Ахборот хизмати.

МУНАВВАР ТҲҲҲҲҲ



Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нурнинг “Ҳис ва ҳаёл” кўрагаси билан танишар экансиз, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Эл нетиб толгай мениким, Мен ўзимни топмасам”, деган мисралари ҳаёлингиздан ўтади. Мусаввир олис ўтмишдан, табиат манзараларидан, қишлоқ кўчаларидан, эртақ-афсоналардан, инсонлар қалбидан, муносабатлардан, қолаверса, бутун оламдан ўзлигини қидиради, борлиқни юракдан ҳис этиб, унинг моҳиятини англаб, анланган ҳақиқатларнинг рангин тасвирларини сизга армуғон этади. Мана шу Акмал Нурнинг ўзлигидир. Мусаввир мўйқаламининг сеҳри, гўзал сўзи ва ўзидир. Айрим асарларининг “Ўзимга йўл”, “Муҳаббат водийси” деб аталishi ҳам бежиз эмас.

Мусаввир ижодидида маънавий гўзаллик, комиллик интилиш миллийликка ҳамоҳангликда ўз ифодасини топган. Фалсафий мазмун ва шоирона лирик оҳанг, рамз ва тимсоллар, мажоз, шарқона идрок ва мафтункор сирлилик мусаввир ўзлигининг қирраларидир.

Давоми бешинчи саҳифада.

Эътироф

Бор эди машшотан таъбим иши, Бермак алар ҳусинни оройиши. Шона уриб сунбули гесўсига, Сурма чекиб наргиси жодусига. Қон ёш ила оразини ол этиб, Юзида кўз мардумини хол этиб. Лафз либоси тиқибон ранг-ранг, Киймак учун ул санам шўхшанг. Кийдурубон хуллан мавзун анга, Зевар этиб юз дури макнун анга. Қилсам этиб бошдин оёғ жон ани, Ҳажлан ноз ичра хироман ани.

Чиройли ташбеҳу истиора, ўринли муболагаю ҳамиятта озор етказмайдиган юморга йўғрилган, ҳаёт, борлиқ, табиат бор моҳияти билан тасвирланган, дилларга яшаш иштиёқи ва илҳом бахш этувчи асаргина мукамалдир. Зеро, ҳаётӣй ва халқчил, бадийи санъатлар воситасида яратил-

ЛАФЗ ЛИБОСИ

ган асарда “сунбул гесўсига машшотта” қўллари шона ургиси, наргис кўзларига суртма тортиши, “лафз либоси” билан “ул санам шўхшанг”нинг оро беришга киришиши ҳам табиий, ҳам бетак-

Навоийни ўрганиш

рор ҳолдир. Навоийнинг адабий-эстетик қарашларига хос бу мисралар алломанинг адабиётшуносликка оид қарашларини янада гўзал тасвирда, шоирнинг ўзи айтганидек, “лафз либосида” “шўхшанг” этиб бера олган.

Навоий фикрича, шоир маҳоратини белгилашда асосий мезон — юксак бадийийлик, сўз рангинлиги ҳамда маъно теранлиги. Лекин ана шу мезонлардан ҳеч қолишмайдиган яна бир шарт борки, бу — асарнинг ўзига хослиги, оригиналлик. Ўзига хослиқнинг моҳияти адабиётнинг умумий ва энг муҳим масаласи — кишини тарбиялаш билан ўзвий боғлиқ. Навоий нафақат бадийи, балки тарихий, саргузашт асарларнинг ҳам давр учун

хизмат қилиши зарурлигини таъкидлайди ва бундай асарларни қўллаб-қувватлайди. Улуғ шоирнинг ўзи ҳам бекиёс ғазаллари, дostonларида тарихий воқеалар, мумтоз бадийи асарлардаги қаҳрамонларни тилга оларкан, уларни ўз даври ҳодисалари, замондош шахслар билан қиёслаб, умуминсоний фалсафий хулосалар чикарган. Бу эса адабиётни, тарихни даврга, элга ҳамнафас этишининг, ҳаётга яқинлаштиришининг ибратли намунасидир.

Ҳазрат Навоий насрий асарларидан бирини “Тарихи анбиё ва ҳуқомо” деб номлаб, олим ва адаб аҳлини жаҳиятнинг маънавий асоси деб таърифлайди. Айни пайтда ўзининг бу борадаги ғоясини “Фарҳод ва Ширин”даги:

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўё пайгамбарларга таъзим —
мисралари билан қувватлайди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ
филология фанлари доктори, профессор

Металлургия саноати, хусусан, ўзбек пўлати мустақиллигимиз таянчларидан бири десак, муболага эмас. Зеро, ушбу соҳа мамлакат иқтисодийотида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон металлургия комбинати янада гуркираб ривожланди. Шу давр мобайнида цехдан 2 миллион 130 минг тоннадан зиёд пўлат эритмаси олинди.

Комбинат ҳаётида янги бир давр бошланди. Ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бошланди. Бу янгиликлар маҳсулот сифатини янада ошириб, унинг таннаҳини камайитди. Махаллийлаштириш дастури асосида кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда бекободлик металлургия ўзбекистон оғир саноатнинг етакчи кучи эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ҳар бир ютуқ ва муваффақиятга эса темирдек мустаҳкам интизом, сабр ва матонат билан эришилади.

Ана шундай сабр-матонатли ишчилардан бири Иномжон Нурматов отасига ўхшашни орзу қилиб асло кам бўлмади.

шундай деган эдилар: "Пўлат эритувчининг меҳнати ошпазнинг меҳнатига ўхшаб кетади, болам. Ошпаз қозонга қандай нигоҳ ташласа, сен ҳам худди ошпаз сингари ёнаётган печга меҳр билан нигоҳ ташлайсан. Ҳеч бир нарса назардан четда қолмаслиги керак. Масалликлар, яъни металл маҳсулотлари бир маромда қиздирилади, тобга келтирилади. Мазали "палов" — сифатли пўлат эритмаси ана шундай олинади. Энг муҳими, юрагинг, қалбинг тоза ва беғубор бўлсин!". Мен ҳаммиша отамнинг ана шу ўғитларига амал қилиб яшайдм.

Дарвоқе, Аҳмадҷон Саидқулов, Олим Мадумаров сингари тажрибали устозлардан пўлат эритишнинг сир-асрорларини мукам-

Ватан учун яшайлик!

мал ўрганиб олган Иномжон эндиликда ўзи ҳам мустақил равишда пўлат эрита оладиган бўлди. Жамоа ишончини тўла қўзиб улгурган шижоатли бу йигит 2002 йилдан эйтиборан мартен печининг пўлат эритувчисига айланди.

Айни шу кунларда печда иш қизгин. Иномжон меҳнат қилаётган бригада шунқорларига ойига 2760 тонна, бир сменада эса 115 тонна пўлат эритмаси олишга сазовор бўлишяпти. Бу режадагидан анча орткидир. Ишлаб чиқариш суръати тобора ошиб бормоқда.

Мартен цехида Иномжон сингари шижоатли, иштиёқи баланд металлургия анчагина. Сўнгги вақтлар ичида эса улар сафига бир ғуруҳ ёшларнинг келиб қўшилганлиги қувонарлидир. Ҳозирда пўлат эритувчи

Раҳимберди ота ҳам ушлаган жойини кесиби оладиган бир сўзли меҳнатқаш инсон эди.

Иномжон мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ тез-тез отасининг ёнига бориб турар, металлургиянинг ажайиб меҳнати га ҳавас ва



иштиёқи билан қарар эди. У ўрта мактабни тамомлагандан сўнг узоққа бориб ўқишга сира ҳам шошилмади. Комбинат тасарруфидидаги саноат касб-хунар коллежига кириб ўқишни ихтиёр этди. "Бўладиган бола бошидан маълум", деганларидек Иномжон тенгқурлари орасида ўзининг тиришқоқлиги, зеҳни ва қобилияти билан алоҳида ажралиб турарди. Бу эса устозлари эйтиборини тез тортиди.

Табиики, яхши металлург бўлиш учун, аввало, амалиёт кучли бўлиши зарур. Иномжон яхши англаган Иномжон ўқиш билан амалиётни узвий равишда бирга олиб борди. Буни қарангки, унинг ишлаб чиқариш амалиёти ўзи севган ва орзу қилган мартен цехида ўтди. Ундаги ўшқинликни, иқтидорни ўз вақтида пайқай олган коллеж маъмурияти бир неча фол битирувчилар билан бирга Иномжонни ҳам ҳеч иккиланмай комбинат цехларига кириб ишлашга тавсия этди. Уни ўзи амалиёт ўтаган мартен цехига ишга қабул қилишди. Севинмай бўладими, ўзинг билган, орзуингдаги цех сени қайноқ бағрига олса!..

— Яхши ва сифатли пўлат эритиш учун металлга тўғри ва оқилона ишлов бериш зарур. Шунда кўзланган навдаги металлни олиш мумкин ва айна металлдан четга чиқадиган чикиндиликлар ҳам етарлича ишлов берилса, сифатли пўлат эритмаси олинади. Чунки пўлатни биз танламаймиз, балки печнинг ўзи пўлат эритувчини танлайди", — дейди Иномжон. — Менинг биринчи устозим отамдир. Раҳматли падари бузрукворимнинг бир сўзи сира ёдимдан чиқмайди. У киши

Оловда товланаётган металл парчалари минг бир макомга тушиб, ўзининг янги қиёфасини кашф этмоқда. Уни бошқариб бораётган инсон ҳам товланиб бораётгани бор гап. Иномжон Нурматов каби оловқалб металлургияни истиклол фарзандлари дегимиз келади. Зеро, улар Мустақиллик даврида камол топди. Мустақиллик уларни чиниктирди, тоблади.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

ХУШЁР БЎЛАЙЛИК!

Ёз фаслида, айниқса галла ўримидадан кейин далалардаги бўғдой поялари, ўтуллар сарғаяди. Ана шундай пайтда арзимаган учқундан катта ёнгин чиқиб кетиши мумкин. Дам олиш учун ҳамюртларимиз табиат бағрига чиққанدا очик алаңгадан фойдаланиш оқибатида ёнгин содир бўлиш ҳоллари кузатишмоқда. Шу муносабат билан соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнгин хавфсизлиги ҳодимлари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Яъни аҳоли ўртасида, маҳалларда, корхоналарда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Албатта, олов билан курашиш фақатгина шу соҳа ҳодимларининг иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Уз уйингни ўзинг асра", шиори ҳар бир фу-

Ахборот хизмати.

БУГУН КЕЧАГИ КУН ЭМАС

Одам боласининг ёшига ёш қўшилиб борган сайин кўпроқ хотираларга суяниб яшайди.

Аслида ўтганларни эслаб туриш, бошимиздан кечирган яхши-ёмон кунлардан маълум хулосалар чиқариш хатоларимизни тузатиш, кечаги кундан сабоқ олиш дегани.

Бирок ўтмиш хотираларига берилганда суҳбатдошнингизнинг "Биз бундоқ эдик, сиз ундоксиз", "У пайтлар бошқача эди-да" тарзидаги иттифоқларга эътироз билдирмаслигингиз иложи йўқ...

Ҳар доимидек маърақада нуроний онахонларимиздан бири:

— Биз ярим тунда хамир қилиб қўйиб, тонг қоронғусида нон ёпар эдик. Далада иш қайнаган пайтлари кириши ҳам кечаси ювардик. Плита совуб қолмаслиги учун уч-тўрт дона кўмир чўғини ташлаб қўярдик. Плита устига темир таёқчалар қўйиб, гўдақларимизнинг иштончаларини қуритардик. Ҳозиргилар бола боқдим демаса ҳам бўлади. Таглиги тайёр, овқатлари тайёр, деди.

Мен онахоннинг гап авзойидан ўзининг қийналганларидан, қийинчилик кўрганидан ғурурларига оҳанглини севдим. Дарҳақиқат, бугун аксарият оилаларда кириши кир машина ювади. Ҳар бир кўчада бўлмасаям, ҳар бир маҳаллада новвойхона бор. Қўлига пул бериб оқ-қорани таниган болангизни югуртирсангиз, зум ўтмай дастурхонингиз иссиқ, қил-қизариб пишган нонлар билан зийнатланади.

Ахир, бу имкониятлар биз кутган имкониятлар эмасми? Озодлик миллат қадрини, инсон қадрини бэланд тутгани учун йиллар давомида унга интиладимиз? Нега энди унга етганимизда, шоир айтмоқчи, елкамизда офтобнинг теҳанлиги рости бўлганда, истиклол имконларидан фойдаланмаслигимиз керак? "Хотинлар уйда овқат пиширишга эринадиган бўлиб қолди. Ҳар уч қадамида тамаддиҳона. Таом вақти бўлганида идишини бориб тўлдириб келади", — дея ёзгирди яна бир онахон ва албатта, — кўнаники барибир кўнаник, уйда тайёрлагандек бўлмайди, — дея қўшиб қўяди.

Эҳтимол... Лекин сифатли, хилма-хил таомлар тайёрлаш бўйича айнан шу йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар чинкама астойдил рақобатга киришгани бор гап. Аввалгидек ис босган ошоналар, чирк босган идишлардан қутулганмишга анча бўлган. Эйтибор берсангиз ҳар қадамда саранжом-сарништа емакхоналарга дуч келасиз. У ерларда тайёрланаётган овқатларнинг турию сифати бугун барча талабларга жавоб беради. Шундай экан уй бекалари ҳар доим бўлмасам ҳам вақти-вақти билан таом тайёрлашга кетган вақтини тежаб, ўзининг саломатлигини тиклаш, дам олишга сарфласа яхши эмасми?

— Албатта, аёлнинг қўли таом тайёрлашдан чиқиб кетмаслиги керак. Лекин баъзи баъзида оила аъзолари биргалашиб, хушбадиат, хушҳаво жойларда тамадди қилиш аёлга, унинг яқинларига байрамона кайфият бағишлайди, қолаверса, аёл ўзига нисбатан эҳтиром ва эйтиборни сезади.

Ахир, озодликни шундай туйғулар учун кутмагандик?

Биз қўлинча "Истиклол", "Озодлик" тушунчаларини баландпарвоз сўзлар билан боғлаймиз. Лекин истиклол, хуррият имконларини ҳар инсон ўз ҳаётида хис қилгандагина, у аниқлик касб этади, яна ҳам қаддрдорроқ, тушунарлироқ бўлади.

"Бойвуччалар қўлларини совуқ сувга ургилари келмайди, уйларида хизматчилари бор..." Ҳеч йўқ, бир марта бўлса-да, шундай норозилик оҳангидеги гап қулонгизга чалингандир. Қандини урсин, дегим келади. Рафиқаси, келинлари, қизларини уйнинг сира ту-

гамайдиған ишларидан озод қилиб, боз устига, бир эҳтиёмданнинг ҳоҳатини чиқараётган, қозонининг қайнашига ёрдам бераётган, бойлигини қадр учун сарфлаётган онахонларимизга балли, дегим келади.

Яқинда бир муносабат билан қадрдонимизнинг уйда меҳмон бўлди. Тўғрироғи, у кишининг қизларининг уйда. Қизлари иккита олийгоҳни тугатган, тўрт нафар фарзандининг онаси. Ўз соҳасининг билимдони. Болалари мактаб, боғчаларга, тўрақларга бораркан. Уй юмушларига тугатган, тўрт нафар фарзандида бир аёл ёрдам бераркан. Аёл, қадим китобларда таърифлангандек, сочи супурги, қўли қосов оқсоч эмас, чиройли қийнган, гап-сўзлари жўяли. Бир дастурхонда ўтирдик. Мезбондай серилтифот, зийрак...

— Бизлар опа-сингилдай бўлиб кетганмиш. Онам борликлари учун бемалол ўз ишим билан, ўз касбим билан шуғулланаман. Болаларим билан кетиб, бири келади. Эшигим очик, уларнинг иссиқ овқатлари тайёр, — дейди уйи бекаси.

Ахир, озодлик шундай хотиржамлик, қўнғил осойишталиги учун эмасми?

"Бир пайтлар дўппидек ҳовлида карнай-сурнай билангина тўй ўтказар эдик. Ҳозиргилар..." Бу илҳам ҳам сизга таниш. Турри, мен ҳам кафе, рестороиларда ўтаётган ортиқча дабдабозлик, маънавий юки йўқ саныят саҳналарига, яъни дискотека тусини олган ўйин-кулги, фақат шовқиндан иборат қўшиқ-бозилкаларга мулҳоқ қаршиман.

Лекин чиройли сценарийлар асосида, маданият меъёрни ушлаган ҳолда ўтказиладиган тўйларда мезбонлар ҳам меҳмонлар қатори дам олади. Фарзандлари хурсандчилигига шерик бўлишди. Тўй қиливчининг дўппидек ҳовлида тўрт тарафга югуриб, меҳмон кутиб, тили осилиб қолган пайтлар билан қўёслаганда мазмунан, шаклан чиройли ўтаётган тўйлардаги ўтириш-юртишларига ўзимизнинг ҳавасимиз келади.

Ахир, озодлик ана шундай чиройли мезбонлик, меҳмоннавозлик учун эмасми?

"Биз соатлаб поезд чипталарига навбатда турардик. Тирбанд автобусларда тик туриб узок-узок сафарларга кетардик. Ҳозиргилар "ҳа" деса такси қақиради..." Албатта, ёши улугларнинг бу тарздаги эйтиролариди фақат эҳтиёт эмас, эйтироқ ҳам бордир. Барибир, "Ҳозиргилар тўқмиққа шўклик қилишди", деган оҳанг ҳам сезилди гапларида.

Ҳа, ҳозир ҳар қадамда такси, ҳар қадамда



хоҳлаган транспортинг... Совутичи, иситгичи бор автобуслар... Булар фақат хашам, чирой эмас, инсоннинг қадри ошаётганининг чиройли ифодаларидир. Ахир, биз хурриятни шу чирой, шу гўзаллик, шундай шарт-шароитлар учун кутмадикми?

Умуман, истиклол замони жуда кўп нарсаларга бўлган муносабатимизни, онг ва таваққуримизни ўзгартириш заруриятини тақазо этади.

Дейлик, бойликка бўлган муносабат. Фақат бизнинг менталитетимизда эмас, жуда кўп худудларда бойлик ва бойларга нисбатан салбий муносабат шаклланиб қолган.

Аслида камбағаллик, қашшоқлик одам ҳавас қиладиган, одам боласи учун мақсад манзили бўладиган тушунча эмас-ку.

Шундай экан, бойлик инсоннинг инсондай яшаш учун воситачи бўлар экан, нега уни ҳаёт шартига айлантиришдан чўчимиз? Албатта, бу ҳадик фақат авлоддан авлодга ўтиб келаётган, таваққуримизга сингдирилган хотиралар туфайлигина эмас. Биз бугун ҳам баъзан бойлиқнинг жиноят устига қурилган, бойлиқнинг маишатбозликка сарф бўлаётганини кўриб турибмиз. Лекин бу кўринишлар учун "бойлик" тушунчасининг заррача айби йўқ.

Уни бемалол орзу тахтага чиқаришимиз, мақсадга айлантиришимиз, ҳалол, пешона тери билан унга интилишимиз мумкин.

Бугун кечаги кун эмас. Фикратимизда қотиб қолган жуда кўп тушунчаларга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз, бунинг учун, аввало, ўзимиз ўзгартиришимиз зарур.

Ахир, озодлик ўзимизнинг ўзгартиришимиз учун берилган имконият эмасми?

Турсунбой ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳар Ёнгин хавфсизлиги хизмати смена бошлиғи, майор

Қулибека РАҲИМБОЕВА

Меҳриноз АББОСОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

ЎЗИМ БИЛАН УЧРАШУВ



Ўзим ҳеч не уддалолмадим,
Дунё иши менга эмас эп.
Хиққиллайман онамга энди,
Юрагимни ювиб беринг деб.

ЁМФИРДАН СЎНГ

Тиниқлашди гулларнинг ранги,
Шамол ювиб олди кўйлагин.
Ўқиб берди бечоралардек
Дов-дарахтлар кўча-кўйдаги.

Кейин куёш, меҳрибон куёш,
Сочин ёди, ақдан озиб.
Ҳар майсани юпатгим келди,
Ҳар япроқни бағримга босиб...

ИФТИХОР

Дулар йиғилган момом кафтига,
Дунёлар йиғилган бобом кафтига.
Куёш исинади кўлларин чўзиб,
Аждолларим ёққан гулхан тафтига.

Улуғлар бургутдир — ўзиб чиқмоқда,
Асрий зулмат йўлини тўсиб чиқмоқда.
Ўша бургутларга интилган сарим
Елкамдан қанотлар ўсиб чиқмоқда.

Онамга бахт бердинг, эй сен, истиклол,
Отанинг кўксига шамоллар теғди.
Шукр, ўзига бек акаларимнинг
Боши эгилмайди ҳеч кимга энди.

Шу она тупроқдир энг тоза байтим,
Заминни кучоқлаб етгим осмонга.
Бир хушбахтар бўлиб келган бўлсайдим
Кўзи қулиб турган Ўзбекистонга!

Шеърдан шухрат топишга
Ўч эмасман ҳарқалай.
Юрагимда бир шоир
Йиғилверса на қилай.

Имкон бўлса тошдилга
Айландим ҳозирок,
Лек кўнглим бўшроқ менинг,
Юрагим сал юмшоқроқ.

Бирор кун шеър ёзмасан,
Дунёларга сиймайман.
Кучугим хафа бўлса,
Кўшилишиб йиғлайман.

Бу девона кўнглимни
Баъзан ҳаёт койир-у.
Кўзим қиймас юракда
Йиғлаб турган шоирни.

Ҳеч йўқ бошланган ишни,
Тамом битириб қўяй.
Машраб бобом сатрини
Давом эттириб қўяй.

Мен келдим, Адабиёт
Сендек катта майдонга.
Халқимни етакловчи
Бир сўз қолсин Ватанга!

УЧРАШУВ

Югради соат миллари,
Етмай қолар баъзан нафасим.
Қадамимни тезлатган сарим,
Секинлашар ҳамма ҳаммаси.

Салом, хайр ҳурматли ҳаёт,
Тўсаверманг йўлимни такрор.
Кечирасиз, шоши турибман,
Ўзим билан учрашувим бор!

Болаликдан ўжар эдим зап,
Айтганимни қўймасдим қилмай.
Кўйлагимни ювиб беринг деб,
Хиққиллардим онамга тинмай.

Ҳаммаси ҳаётга, ҳаммаси жонли,
Кўхна афсоналар, эртақлар бари.
Ўзимиздан бошқа ким бор бу ерда,
Қани замонамиз қаҳрамонлари?

ДАЪВАТ

Зарур дамлар мардик бўлмасин танқис,
Жасорат бўлмоғи шартдир юракда.
Уни олислардан изламайлик биз,
Қаҳрамон яшасин ҳар бир юракда.

Ҳар галгидан шаҳам одимларимиз,
Қадам товушидек юракнинг зарби.
Кўксингизда ётган тошни қўзғотинг,
Уйғотинг бепарво замондошларни.

Вақт — отилган ўқ, тенгдош, асрдош,
Бунда лоқайдликка ўрин йўқ зотан.
Буюк қаҳрамонлик — узлики анлаш,
Қаҳрамондир ўзин анлаган Одам!

Юрибман дўст бўлиб хонқизиларга,
Тиллақўнғизларга кўнгли бериб ман.
Мана бу юракнинг ақли бўлганда,
Шоир бўларимдир келиб-келиб ман.

Битта заррачалик керагим борми,
Кўёш юртиданман — кўнглимда чирок.
Онажон, кечиринг сиз билан эмас,
Майсажонлар билан гапландим кўпроқ.

Мени тўғри тушун қуёнчак дўстим,
Ўжар феълим билан ранжитмас баъзан.
Эшитаман кўнглимнинг овозин,
Кўнғироқларингни эшитмасан ҳам.

Майли умрим ўтсин, майли вақт ўтсин,
Баҳридан ўтмайман шу ўтлоқларни.
Она Ватанимни яхши кўргандай,
Бағримга босаман кўзичоқларни.

Нетай азал шундай яратилганман,
Томиримда жиндек шоирлигим бор.
Шундан ғамбодам, ғамнокман ҳар дам,
Шундан бахтиёрман, шундан бахтиёр!

ТЎРТЛИКЛАР

У ажиб оламдир, унинг кўнглини,
Дардан бошқа ҳеч не тўлдирибмайди.
Севгисини шоирни ўлдирар бир кун,
Шоир сеvgисини ўлдирибмайди.

Тилаклар юксалар, орзулар ўсар,
Кўнглингизда не бор билиб бераман.
Келолсангиз, келинг дардсевар дўстлар,
Юрагимда байрам қилиб бераман.

*Меҳриноз АББОСОВА 1995 йили
Наманганда туғилган. 2011 йилда
“Мен ёшликман” номли китоби чоп
этилган. Ҳозирги кунда Наманган
давлат университети қошидаги
академик лицей ўқувчиси.*

Кишлоқлар ўзгариб кетибди. Унча-
бунча эмас, бутунлай ўзгарибди.
Машина текис йўлдан шамолдай
учиб борапти-ю, йўлда эмас, денгизда су-
зиб кетаётгандек сезаман ўзимни. Бу
йўллардан жуда кўп юрганман. Айниқса,
талабалик вақтида шаҳардан Булоқбошига
қатнавериш, қатнавериш шу йўлларнинг
майда тошигача таниш бўлиб кетган эди.
Ҳозир ўйласам, ўша вақтда нега бунча кўп
қатнаганимни ҳеч тушунмайман. Бўлмаса
шаҳардан кишлоққа йўл анча олис. Йўлки-
рага ҳам пулим зўрга етарди. Лекин ҳар
ҳафта шанба келди дегунча оёқни кўлга олиб
кишлоққа югурардим.

Ёзининг жазирамасио кишининг қаҳратони-
да автобус бузилиб қолиб, бу йўлларда ке-
часи билан қолиб кетган пайтларимиз ҳам
кўп бўлган. Шундай бўлса ҳам бир амаллаб
кишлоққа етиб олгандан кейин ҳаммаси бир
зумда эсдан чиқарди-қўярди. Уйга бирров
кирдим-у, дарров кўчага отланардим.
Тўғри Ҳасанбойнинг устахонасига борардим.
Институтда ўқиб юрган бошқа ўртоқларимиз
ҳам албатта шу ерга келишарди. Устахона
бизнинг йиғилайдиган жойимиз эди. Ҳасан-
бой бизни кўриши билан ишини тўхтатиб,
қора мийга ботган кўлларини чала-чулла
артиб, кучоқ очиб кўришар эди. У ишларини
туғатгунча биз устахона ёнида ҳафта бўйи
йиғилиб қолган гапларимизни гаплашиб ўти-
рардик. Кейин ҳаммамиз биригаликда ярим
кечагача кишлоқ кўчаларини кездардик.

Биз — олти ўртоқ болалигимиздан бирга
ўйнаб катта бўлганмиз. Мақтабда ҳам бирга
ўқидик. Ҳасанбойнинг отаси дурадгор уста
эди. Кишлоқда деярли ҳамма уйлари-
нинг шифери тунукалар билан ёпиб берган.
Лекин негадир ўзларининг уйининг томи
лойсувоқлигича турар, ёнгинарчилик кўп
бўлган пайтларда чакки ўтиб кетарди. Ай-
вонига эса ҳар йили кўкланда қалдирғочлар
келиб ин қуради. Қалдирғочларнинг пола-
понлари туҳум ёриб чиққанида вижир-вижир
сайрашардики, биз айвондан нари кетолмай
қолардик.

Бир кун отаси Ҳасанбойга катталиги
кўзичокдек келадиган ёғоч от ясаб бериб-
ди. Буни кўриб ҳаммамизнинг ҳавасимиз
келди. Бизга ҳам ясаб берсин, деб илтимос
қилдик. Ҳасанбой отасининг олдига югуриб
бориб бизга ҳам худди шундай ёғоч от ясаб
беришини илтимос қилди. “Э, бу от фақат
томоша қилишга яради, буни миномлайсиз-
лар. Яхшиши, мен сизларга минадиган от
ясаб бераман”, деди-да, толга қачиб, узун
шоҳларидан кесиб тўшди. Теша билан у ёқ-
бу ёғини чопиб, бинойидай каллаю кулоқ-
ларини чиқариб, ҳаммамизга биттадан чўп
от ясаб берди. “Мана, болалар, бу отларни
бемалол миниб юрсанлар ҳам бўлади. Қани,
чавандозлардай бир қўлиб келинганлар-
чи”, деди.

Биз ёғоч отларимизни миниб, Чопа-
сойга қараб чопдик. Чопа-
сойга қараб чопдик.

Ҳасанбойнинг отаси бевақт вафот этди.
У аввалига оддий болтау рандалар билан
усталик қилиб юрган эди. Бир кун қаёқдан-
дир электр станок олиб келибди-ю, ўша ста-
нокнинг симини симёғочнинг симига уламоқ-
чи бўлганда ток уриб кетибди. Биз ўшанда
эндигина биринчи синфини тамомлаётган
эдик. Ҳасанбой буни ўз кўзи билан кўрган
экан, қаттиқ кўрқибди. Кейин анча вақтгача
ўзига келолмай юрди. Ҳасанбойнинг онаси
жуда меҳрибон аёл эди, бизни жонидан
ортик кўрарди. Ҳасанбойнинг хомуш юрга-
нини кўриб, баъзан бирга ўйнагани уларни-
кига чиқмай қўйса, онаси бизларни сойда-
нми, кўчаданми чақириб келиб, ёғоч отлари-
мизни кўлларимизга тутқазарди. “Уларим,
отларингни мининглар, Ҳасанжоним билан
бирга ўйнаганлар, жўрларинг бир ўзи
мунгайиб ўтирмасин”, дер эди ва сўнг бир
бўлакдан устига сариёғ сурилган нон ёки бир
сикимдан туршак берарди. Биз хурсанд
бўлиб, отларимизни чоптирар эдик. Ҳасан-
бойнинг оти секинроқ чопарди, аммо биз
кўплашиб уни тезроқ чопишга ундардик.
Шундан сўнг кўп ўтмай Ҳасанбойнинг ҳам
оти тез чопадиган бўлди.

Ёз бошланиши билан Ҳасанбойларнинг
ҳовлисида катта тут дарахтига маймундай
чикиб кетардик.
— Уларим, тўйгуларингча тут энглар.
Сизларнинг кўлларинг, оёқларинг теккан
шоҳларга барака тегади, — деб жаврарди
Ҳасанбойнинг онаси.
Биз шохдан-шохга осилиб, қорнимиз ёри-
лай дегунча тут ер эдик. Кишлоқнинг кўп хо-
тинлари ҳам ҳар куну тут ейиш бахонасида
шу ерга келишар, тутнинг соясига ўтириб
чақчақлашишарди. Биз шоҳларни силқитар-
дик, хотинлар дув тўқилган тутларни тери-
шарди. Бошқа ҳовлиларда ҳам тутлар бор
эди, лекин у ҳовлиларга ҳамма ҳам бора-
вермас, хотинлар фақат шу ерга келишар-
ди. Ҳатто пиллачилар кишлоқдаги ҳамма
тутларни кесиб кетишганда ҳам Ҳасанбой-
ларникига тегишмасди.

Ҳасанбойнинг онаси нега бизни бунчалик
яхши кўрарди? Хотинлар нима учун шу хов-
лига келаверишарди? Ўша вақтларда булар-
ни ўйлаб кўрмаганман, бу ҳаёлимга ҳам кел-
маган. Энди билсам, хотинлар бу ховлига
фақат тут ейиш учун эмас, савоб учун
келишган. Аслида ҳам одамни мева эмас,
истара тўйдиради, одам одамнинг юзидан,
кўнглидан озиқ олади. Мусиқадайд беозор
Ҳасанбойнинг онаси яқкою ёлғиз ўғлининг
ёлғизлигини қолмаслиги учун куйиб-пишган.
Ёлғизлик одамни ё ёввойи, ё ўта кўрс, ҳатто
ёвуз қилиб қўйиши мумкин. Ҳасанбой эса
отасига ўхшаган оққун-
гил, онасига ўхшаган меҳрли йигит бўлди.
Биз мактабни тамом-
лаб, институтга ўқишга
кириш учун шаҳарга от-
ланганимизда онаси
Ҳасанбойни ҳам бизга
қўшди.
— Уларим, менинг
Ҳасанжонимниям бирга
олиб кетинглар. Бу ҳам
сизлар билан бирга
ўқисин, катта одам
бўлсин, — деди ҳамма-
мизга оқ йўл тилаб.
Ҳасанбой қайси то-
монга қадам босишини
билмай ўйланиб қолди.
Уйда қолай деса, бир
кун ҳам ажралмаган
дўстларидан айрилиб қолади, биз билан ша-
ҳарга кетай деса, бу ерда онасини ёлғиз
ташлаб кетишга кўзи қиймайди.
— Мен шаҳарга кетсам сиз бир ўзингиз
қоласиз-ку, ая, — деди у хомуш тортиб.
— Ҳечам бир ўзим қолмайман. Қўни-
қўшнилар шу ерда, ҳаммамиз бир элмиз,
бир-биримизга суянамиз. Сен жўраларинг-
нинг қаторидан қолмасан бўлди, болам.

биримиз Ташкентга, биримиз Фарғонага,
яна кимдир чет элга... Энди аввалгидай ҳар
ҳафтанинг охирида тўпналиб, кўришиб йўқ.
Мен кишлоққа ойда-йилда бир бораман,
унда ҳам бирор тўй ёки маърака сабаб
бўлса. Бошқалар ҳам шу. Ҳасанбой бўлса
бизларни кутгани-кутган.

— Мендан камандир
чиқмас экан. Ҳеч сиз-
ларди бир жойга тўплай
олмайман-да, жўра, —
деydi Ҳасанбой ҳар гал
кишлоққа борганимда.
— Яккам-дуккам кела-
сизлар. Қанийди ҳамма-
ларингиз бир кунда кел-
санглар-у, бизди уйда
жамул-жам бўлсак. “Ол-
товлон ола бўлса озги-
дагини олдира”, дейди
машайхлар. Биз, ол-
товлон тугал бўлиши-
миз керак. Сизлар бил-
ан аввалгидай биригали-
лашиб гиғил пишган
тутди шоҳларига чиқ-
ким, ёғоч отларимизди
миниб, кўчаларди чан-
гитиб чопгим келади. Ишонсанг, ана шу ёғоч
отларимизди ҳалиям асраб кўйганман,
айвонда турибди. Эсалди-да.
Ҳасанбой бизни ана шундай соғинарди.
Биз ҳам Ҳасанбойни яхши кўрардик. Булоқ-
боши деганда энг аввал кўз олдимизга
Ҳасанбой келарди. Энди, мана, ўша ҳеч ким-
га қаттиқ гапиролмайдиган, оққунгил “камандир”
имиздан айрилди. Кишлоққа бормаган-
нирма ҳам ана бўлибди. Унинг бир йилдан
буён хасталаниб юрганини ҳам билмабман.
Энди эса унинг вафот этганини эшитиб,



УЙГҮН РЎЗИЕВ

ЁҒОЧ ОТЛАР

Шундан кейин Ҳасанбой орқасига қарай-
қарай биз билан йўлга тушди. Шаҳарда бир
уйни ижарага олиб, ўқишга тайёрланишни
бошлаб юбордик. Бетон уйга ўрганишимиз
чунонам қийин бўлди-ки. Аммо на илож,
кўникишга ҳаракат қилдик. Иссиқда ярим
яланғоч бўлиб китоб ўқиймиз. Ҳасанбой
шундай жазирамда ҳам эгнидаги кўйлагини,
йўлга чиқаётганимизда онаси кийгизиб
қўйган дўпписини ечмайди.

— Дўппинг тилладан ясалган бўлсаям
ечиб қўй, бирор ўғирлаб кетадими? —
деймиз унга.

— Ай, қўйсанглар-чи, шаҳарнинг кўёши
беғона, сойда ҳам бошингдан оғтоб
ўтиб кетиши ҳеч гап эмас, — дейди у
ҳам ҳазилкашлик қилиб.

Ҳикоя

Бозимиз ёрилай деганда мягга
дам бериш учун бироз вақт яқин атрофлар-
ни айланиб келамиз. Ҳовуримизни босиш
учун гоҳида музқаймоқ еймиз, газли сув
ичамиз. Ҳасанбой эса музқаймоқ ҳам емай-
ди, газли сув ҳам ичмайди. У ижара уйи-
мизнинг ошхонасидаги жўмрақдан оқадиган
сувни ҳовучига олиб ичишни хуш кўрарди.
У пайтларда ўқишга ёзма ва оғзаки
имтиҳонлар топшириб қирилар эди.
Биз, беш ўртоқ институтга қабул
қилдик. Бирок Ҳасанбой қиролмади. У им-
тиҳонлардан йиқилмади, аммо озгина бали
етмагани учун мандат комиссиясидан қайт-
ди. Ўзимиздан хурсанд эдим-у, лекин унга
жуда ачиндик. Ҳасанбой эса ғам-ғуссага
ботиш ўрнига, аксинча, ўзида йўқ шод эди.
— Балки “завушнингга” уриниб кўрарсан?
— дейман унга далда бериб.

— Эй, шаҳар деганларинг бизга тўғри кел-
мас экан, жўра. Кишлоқда боласига кенг
дала-дашт, қир-адирлар яхши. Ҳамма ша-
ҳарга кетаверса Булоқбошида ким қолади?
Сизлар ўқиб, олим бўлсанглар бўлди. Мен
сизларди кишлоқда кутиб ўтирмаман. Билиб
қўйинглар, ҳар сафар борганларингда биз-
никида тўпланамиз. Мен сизларди кишлоқ-
даги камандирларинг бўламан, — деди
Ҳасанбой.

Чиндан ҳам унинг айтганидай бўлди. Ҳар
ҳафтанинг охирида кишлоққа борганимиз-
да, албатта, Ҳасанбойларнинг уйида йиғи-
лишамиз. Кейин Ҳасанбой уста бўлиб иш
бошлади. Йўқ, отасига ўхшаган дурадгор
бўлмади. Станокни деб отасини ток урга-
нидан кейин бу ишдан унинг кўнгли совиг-
ган экан. Кишлоғимизда Қўлат амаки деган
машиналарни тузатадиган уста бор эди.
Ҳасанбой ўша одамга шогирд тушди. Айнан
ўша устахона бизнинг учрашув марказимиз-
га ҳам айланди. Қўлат амаки оламдан
ўтгач, устахона Ҳасанбойнинг ўзига қолди.

— Ай, жўралар, қанийди тезроқ темир тул-
порларда келсанглар-да, мен шу тулпорлар-
ди яп-янги гайкаларини бураб юрсам,
тулпорларингга мени миндирсанглар, — дер
эди Ҳасанбой устахонадаги эски машина-
ларни тузататуриб.

Ҳасанбойнинг онаси устахонага овқат
кўтариб келганида бизларни кўриб ичи-
га сиймай қувонарди.

— Уларим, Ҳасанжонимнинг тўйидаям
ёнбошида бўлинглар-да. Кўёвжўра бўлиб
тўйни қиздирасизлар, — дер эди онаси
орзуларини тўқиб-сочиб.

Ҳасанбой ўйланиб, бола-чақали бўлгани-
дан кейин онаси анча таскин топди.
Набиралари унга овуноқ бўлди. Ўша
овуноқларнинг бошларини силай-силаё
оламдан ўтди.
Биз ҳам ўқишни тугатиб, ҳар қайсимиз ҳар
жойга ишга кетдик: биримиз Самарқандга,

бизларни кутгани-кутган.

— Мендан камандир
чиқмас экан. Ҳеч сиз-
ларди бир жойга тўплай
олмайман-да, жўра, —
деydi Ҳасанбой ҳар гал
кишлоққа борганимда.
— Яккам-дуккам кела-
сизлар. Қанийди ҳамма-
ларингиз бир кунда кел-
санглар-у, бизди уйда
жамул-жам бўлсак. “Ол-
товлон ола бўлса озги-
дагини олдира”, дейди
машайхлар. Биз, ол-
товлон тугал бўлиши-
миз керак. Сизлар бил-
ан аввалгидай биригали-
лашиб гиғил пишган
тутди шоҳларига чиқ-
ким, ёғоч отларимизди
миниб, кўчаларди чан-
гитиб чопгим келади. Ишонсанг, ана шу ёғоч
отларимизди ҳалиям асраб кўйганман,
айвонда турибди. Эсалди-да.

Ҳасанбой бизни ана шундай соғинарди.
Биз ҳам Ҳасанбойни яхши кўрардик. Булоқ-
боши деганда энг аввал кўз олдимизга
Ҳасанбой келарди. Энди, мана, ўша ҳеч ким-
га қаттиқ гапиролмайдиган, оққунгил “камандир”
имиздан айрилди. Кишлоққа бормаган-
нирма ҳам ана бўлибди. Унинг бир йилдан
буён хасталаниб юрганини ҳам билмабман.
Энди эса унинг вафот этганини эшитиб,

кишлоққа шошилдим. Йўл-йўлакай қанча
манзараларни кузатиб келдим. Ҳамма ёқда
ўзгариш, янги бинолар пайдо бўлибди, янги-
янги иморатлар қуриляпти... Лекин Ҳасан-
бойнинг айвонидан қалдирғочлар аримай-
диган уйи ҳамон ўша-ўша. Ховлига киришнинг
билан болаликни эсга солади. У уйини, хов-
лидаги ҳар бир нарсани атайлаб мана шу
ҳолатида сақлагандек, назаримда. Фақат
энди бу ховлида бизни эски дўпписини бо-
шидан туширмайдиган болалик қадрдони-
миз кутиб олмайдди. Аммо ховлига қадам
қўйишим билан бошқа бир манзарани кўриб,
кўзларимга ёш қалқиди: уй олдидан бизни бо-
шига кўтариб катта қилган момо тут марва-
ридай меваларини кўз-кўз қилганча кучоқ
очиб кутиб олаётганга ўхшарди.

Биз — беш ўртоқ Ҳасанбойларнинг хов-
лисига жам бўлдик. Бу ерга ҳаммамиз ўзи-
мизнинг темир тулпорларимизда келдик.
Лекин бу тулпорларга миниб Ҳасанбойга
насиб қилмади. Биз уни “ёғоч от”га минди-
риб, елкамизда кўтариб, сўнги манзилга
кузатиб қўлдик.

Қабристондан қайтгач, яна Ҳасанбойлар-
нинг ховлисига кириб, тут соясига тўшал-
ган шоҳлага ўтириб, бирга ўтган дамлари-
мизни эсладик. Иссиқдан чанқоған одамлар
чоғи ичиб сўхтабланишарди. “Бечора, қўли
енгли уста эди. Ишини деб ўзини эсдан чи-
қарган-да. Касали ўтиб кетса ҳам билмай
юрлаверган. Жигар нимжон нарса, эҳтиёт
бўлмаса кийин. Каттарок дўхтирларга кўрин-
са, балки бирон давоси топилиб қоларми-
ди. Лекин йўл-йўриқ кўрсатадиган яқинла-
ри бўлмаганидан кейин... Кимга ҳам суянар-
ди шўрлик”, дейишарди улар.

— Амаки, сизларга тут териб келдик, —
деди ёнимга келган бир ўсимир. Қарасам,
болалар бешта косада тут кўтариб туришиб-
ди. — Отам жўраларим келса тут териб бе-
ринглар, эйишсин, деган эди.

О ббо, Ҳасанбойгина-ей, охири на
фасини олаётганида ҳам ўртоқла-
рини ўйлаганини қаранг. Биз ко-
садаги тутни бир-бир чўкиндек бўлдик.
Қолганини оқсоқолларга олиб боринглар,
дедим-да, соғинч билан сой томонга ўгирил-
дик. Нарирокда бир тўда болақайларга кўзим
тушди. Бирни ҳойнаҳой Ҳасанбойнинг кенжа-
си бўлса керак, куйиб қўйгандек ўзгинаси:
юз-кўзлари, кулоқлари, хатто бошидаги эски-
кигина дўпписини қийшайтириб кийиб юри-
ши ҳам. Ҳасанбойнинг бўйи чўзилиб қолган
бошқа ўғил-қизлари аза кийимда, мотам-
саро қиёфада. Бу болақай эса уйларидан нима
бўлаётганини ҳам билмайди, ўртоқлари билан
чоққиллаб ўйнаб юрибди. Улар ёғоч от-
ларини миниб, у ёқдан-бу ёққа чопишади. Ана
шу отларни ҳам танигандекман. Адашмасам,
бу ўша — бизнинг болалик қадрдонларимиз,
йиллар ўтиб, замонлар ўзгарса ҳам бир-би-
риддан айрилмаган, маконини тарқ этмаган,
содикатни унутмаган учқур ёғоч отларимиз
бўлса керак.

Уйгун РЎЗИЕВ 1974 йилда туғилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Самарқанд давлат университетининг
ўзбек филологияси факултети
тамомлаган. “Атиреул” романи, “Қадр
кечаси”, “Тоғлар исқанжаси”, “Оқ
чўққининг боласи” қиссалари, “Тонгда
қайтган каптарлар” номли ҳикоялар
тўплами чоп этилган.

МУНАВВАР ТУЙҒУЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Марказий кўргазмалар қосионасида мафтункор гўзаллик тантанаси ҳукм сураётгандай. Бу ердаги ҳар бир асарнинг ўз оҳанги, ўз олами бор. Мусаввирнинг қарийб ўттиз беш йиллик ижодий фаолиятини жамлаган икки юз эллиқдан ортиқ рангтаъсир асарлари муҳлислар эътиборига ҳавола этилган. Асарларнинг яратилган даври, мавзулари билан яқиндан танишганда кўз олдинда муаллифнинг ижодий ғайиланини босқичлари, истеъдод кимолатининг машаққатли ва сермазмун йўли намойён бўлади. Мусаввир ижодининг илк даври — талабалик ва ундан кейинги шаклланиш йилларини шартли равишда биринчи босқич (1980 йиллар) деб аташ мумкин. Бу даврда олами мусаввир сифатида идрок этиш, уни борлигича қабул қилиш устуни қилади. “Умид” (1988), “Менинг кўчам” (1988), “Тон” (1988), “Бомбинг уйи” (1989) деб номланган полотноларида илк ижодий даврининг асосий хусусияти бўртиб кўринади. Бу реал ҳаёт лавҳаларининг оний суратларидир.

1990-йиллардан бошланган иккинчи ижодий босқични изланиш, аниқроғи, ўз ўзини излаш ва англаш даври деб аташ, тўғри бўлади. Биринчи ижодий босқичга оид таъсирлардаги тўқ, хира ранглари орасида илк нурали, ёруклик пайдо бўла бошлади, тинсоллар, мажозлар намойён бўлади: “Тунги дарбадлар” (1991), “Иблис” (1991), “Оқ шаҳар” (1991)... Энди мавзу доираси кенгайиб, мувофиқ равишда янги ранглари, мусаввир ижодига хос бўлган тинсоллар (анор, балик, олма...) ривожлантирилиб, муҳаббат етакчи мавзуга айланди. Аввалги бир лаҳзани ифодолонган картиналар нисбатан кейинги даврда яратилган жозибдор, кўп маънолар муҳаббат бўлган, сизни беихтиёр ҳаёт оламига тортувчи таъсирлар билан бойиб, мусаввирнинг ижодий юксалишидан далолат беради. Кўз олдинда тинсоллар олами яралди. Айрим тинсол қатор таъсирлар асарларида таққаллаштирилди, узвий боғлиқлиб, алоҳида картиналарни бир-бирига боғлаб, бекхёна маънолар тизимини яратди. Масалан, «Севги олма», «Муҳаббат боғи», «Муҳаббат даври», «Муҳаббат ороли» асарларида мусаввир турли рамзий-маъжозий тинсоллар, яъни ой, ҳўкиш шох, балик, қайқ кабиларни қўлади. Бироқ ушбу картиналарда асосий мазмун олма деталари билан боғлиқ. Олма гоҳо бўлинган ҳолда, гоҳо ҳавода муаллақ ҳолатда тасвирланади. Мавзунинг боғлиқ мазмунини англаштиришда олма таъсирининг муваффақиятли фойдаланиши. Шунингдек, нон — фаровонлик рамзи, олма эса жаннат меваси — муҳаббат, балик — беғуборлик, покисалтик тинсоллидир. Бу даврда яратилган асарлар орасида мусаввирнинг «Муҳаббат ороли» (1998) полотноси композицион ечимининг нафислиги билан ажралиб туради. Картиналарда безакдорлик услуби

Хўмоён АКБАРОВ

“СУВ КўРМАЙ ЭТИК ЕЧМА”

Бердақ номидаги Қорақалпоқ муסיқий театри яна бир янги асар билан бойиди. Режиссёр Жарғасбай Султабаев ёзувчи ва драматург Кўчкор Норқобил пиесаси асосида “Сув кўрмай этик ечма” спектаклини сахналаштирди. Пиесани қорақалпоқ тилига Пўлат Айтмуратов таржима қилган. Рассом Барлиқбай Айтмуратов асар гоёсини очигна

Тақдирот

хизмат қилувчи сахна безакларини ишлаган.

Спектаклдаги асосий ролларни Амирбой Қосимбетов, Сапарғул Давлетова, Марҳабой Ўсенов, Бахтиёр Абдунов, Бозорбой Назаримбетов, Сулвухон Фаниева, Сарсенбой Узоқбоев каби таниқли актёрлар ижро этмоқда.



Камолитдин Бехзод ва Леонардо да Винчи... Жаҳон санъати тарихида қад ростлаган бу икки улкан чўққига назар соларкансиз, инсон истездодди аслида қонинот каби сарҳадсиз, ақд бовар қилмас жумбоқларга бой эканини ҳис этасиз. Беш аср муқаддам шундай етук ижодкорларнинг ҳаёт кечиргани, уларнинг замонодош бўлганидан ҳайратланмай илож йўқ.

Камолитдин Бехзод ва Леонардо да Винчи... Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз даврининг буюк мусаввирлари эди. Бирини Шарқ миниатюрасининг афсонавий ижодкори, бирини Фарб Уйғонитиш даврининг етук мутафаккири сифатида шуҳрат қозонди. Бехзод йитирма уч ёнида Хирот ми-

ниатюра мактаби етакчисига айланди. Ўсмир Леонарднинг беназир маҳоратини кўрган устози Андреа Верроккьо шогирди ўздан-да юксак маҳоратга эришганини тан олди.

Камолитдин Бехзод ва Леонардо да Винчи... Замона зиддиятлари, турмушнинг оғир синовлари уларни Ватандан йироқ, жаҳонгаштакда ҳаёт кечиритишга мажбур этди. Ҳар иккиси ҳам турли ҳукмдорлар саройида хизмат қилди, мусаввир эришиши мумкин бўлган энг юксак мартабаларга сазовор бўлишди. Тақдир уларни учраштирмаган бўлса-да, ижод оламидаги изланишлар икки буюк мусаввирни бир манзилга етказди.

БЕХЗОД КАШФ ЭТГАН ДА ВИНЧИ СИРИ

Камолитдин Бехзод аъналарини Густав Климт, Анри Матисс, Пабло Пикассо каби машҳур Фарб рассомлари ижодига таъсир кўрсатгани ҳақида кўп ва ҳўб гапирилган. Эҳтимом, бу каби қиёслашлару тахминлар замирида му-

рида Хирот ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро саройига усмонли турклар давлатининг элчилари ташриф буюришади. Элчилар тақдим этган совға-саломлар орасида венециялик машҳур рассом, Жентиле Беллини каламига мансуб картиналар ҳам бор эди. Италия Уйғонитиш даврининг йирик ижодкорларидан бири бўлган рассом асарлари темурийлар ҳукмдорига тасодифан тақдим этилмаганди, албатта.

Анкара жангиди мағлубиятдан сўнгра ярим аср ўтиб, усмонлилар ниҳоят, Византия пойтахти Константинополни эгаллашга муваффақ бўлишди. Ўз мамлакатининг маданий нуфузини юксалтириш мақсад қилган султон Мехмед II саройига европалик ижодкорларни ҳам тақдим этди. 1479 йили Венеция элчилари таркибиди Константинополга йўл олган Жентиле Беллини бир қанча вақт давомиди турк султони саройида ижод қилади. Ҳозир Лондон миллий галереясида сақланаётган машҳур “Мехмед II” (1480) портрети ҳам шу даврда чизилган. Ижодий сафар чоғида Беллини Италия Ренессанси ва Шарқ миниатюраси аъналарини уйғунлигида кўпгина асарлар яратишга эришади. Табиийки, бу ижод намуналари усмонлилар саройида юксак эътирофга сазовор бўлади.

XV аср охирида Хирот миниатюра мактабининг юксалиши турк султонларини ҳам бефарқ қолдирмайдди. Ўз мамлакатининг маданий салоҳиятини намойиш этишни мақсад қилган Боязид II Хиротта венециялик рассом яратган сара картиналар тўпламини жўнатади. Турк султони аслида бу орқали Хирот ҳукмдори билан ўзига хос мубожақ уюштиришни мақсад қилган эди.

Бу чорловни қабул қилган Ҳусайн Бойқаро янги миниатюра асарлари яратишни Камолитдин Бехзодга топширади. Европа рангтаъсир аъналарини урганишида катта қизиқиш уйғотади. У қисқа вақт ичиди Беллини асарлари асосида Уйғонитиш даври рангтаъсир аъналарини урганишида эришади. Бу изланишлар натижасида таъсирий санъат тарихида ҳали учрамаган, мутлақо янги услубдаги портретлар туркуми дунёга келади. Хиротлик мусаввир уларда Шарқ миниатюраси ва Ренессанс рангтаъсир аъналарини уйғунлаштиришга эришади. Академик Акбар Ҳақимов ушбу ҳодисага баҳо беради, Европа классик санъати тамойиллари Бехзод томонидан ҳайратланарли даражада муваффақият билан ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлайди.

Ушбу туркумдан ўрин олган асарлар орасида, айниқса, “Бағдодлик дарвеш” портрети мутахассисларда қизиқиш уйғотиши бежиз эмас. Бехзодга хос юксак нафисликда ишланган асарнинг образли ечими Шарқ миниатюрасида мавжуд аънавий портрет концепциясида бутунлай фарқ қилади. Асарда дарвеш сиймоси ўзига хос бўшлиқда акс эттирилади. Орқа фондида манзарадан воз кечиб орқали мусаввир томошабинлар эътиборини дарвеш образида жамлашга ҳаракат қилади. Сўфиёна катрлар, тилла тусли нақш ҳам томошабинни чалғитмайди.

Дарвеш сиймоси реалистик санъат-

га хос табиийлиги билан ажралиб туради. Унинг либоси ҳаққоний аниқликда таъсирланган, ҳар бир бўрамаю чокка алоҳида эътибор берилган. Қахрамоннинг чўкур мазмунли нигоҳида томошабинни ўзига ром этувчи сирли бир куч бор. Мусаввир аслида дарвешнинг қилгани оламида ифодаланиши мақсад қилганини ҳис этасиз. Ҳаёт лаззатларию кундалик таъсирлардан овоз бу инсон нима ҳақида ўй сураётганини билиш истаги туғилади одамида. Дарвешнинг сирли нигоҳи айнан томошабинга қаратилган. У гўё бизга нимадир айтмоқчи, қараган лабларида қандайдир калами яширин. Дарвеш сиймосида гўё сўфиёна донишмандлик, акс этиб туради.

Бунини қарангки, “Бағдодлик дарвеш” портрети билан деярли бир даврда Леонардо да Винчининг машҳур “Мона Лиза” (1503-1505) асари ҳам дунёга келади. Ҳўш уларнинг яратилиши ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд? Бу савол кўпгина мутахассисларни ўйлантириб келаётган жумбоқлардан бири. Зеро, “Бағдодлик дарвеш” ва “Мона Лиза” асарларига назар ташласангиз уларда нафақат шаклий, балки гоёвий уйғунлик ҳам мавжудлиги яққол сезилади.

Авалло, дарвешнинг ҳокисор қўллари эътиборини жалб этади. Шу даврада “Мона Лиза” да акс этган аслозда аёлнинг нафис қўллари холатини ёдга оламиз. Арзимас жиҳат бўлиб туюлган бу ўхшашлик замирида Бехзод изланишлари нақадар кенг қўлмани қамраб олиши маълум бўлади. Қанчалик мушкул бўлмасин, мусаввир Европа портретидаги шакх концепциясини Шарқ миниатюрасида қўлашга ҳаракат қилади. Да Винчи сингари Бехзод ҳам қахрамоннинг мураккаб руҳий оламини очиб беришни истаиди. Дарвеш сиймоси қаршида замон, макон тушунчалари ўз аҳамиятини йўқотади. Мусаввир чексиз бўшлиқ қаъридаги инсон руҳий оламини нақадар қўлаб нигоҳи зарурлигини таъкидлайди.

Юқориди файласуфна ёндашув “Мона Лиза” портретида ҳам идрок этилади. Тақдирнинг оғир синовларига дуч келган аёл қиёфаси Ренессанс даврида кенг тарқалган антик давр маъбудлар сиймосида акс эттирилмайди. Да Винчи ижодига хос юксак гуманизм “Мона Лиза” чехрасида кўёш мисол фарқ уради. Ҳа, бу портрети яратиш учун шунчаки сурат чиза билишнинг ўзи етарли эмас. Чинакам руҳшуносига бундай нозик ҳиссёлларни англай олади, буюк мусаввиргина уларни оқ матода акс эттиришга қодир. “Мона Лиза” сиймосига яна назар соламиз... “Бағдодлик дарвеш” сингари унинг нигоҳи ҳам сир-синоатга тўла. Аёлнинг маъноли нигоҳи томошабинга қараган. Юзадиги бу ифода ним табассумми ёки изтироб? Томошабин учун бу мавҳум бўлиб қолаверади. Назаримизда, картинанинг таъсир кучи ҳам аслида шунда.

“Бағдодлик дарвеш” ва “Мона Лиза”... Бу икки портрети яратишга



ундаган илҳом куйлари бир создан таралган эмасми?! Агар шундай бўлса, бу сознинг соҳиби ким эди? Да Винчини ёки Камолитдин Бехзод? Бу жумбоқнинг ечимини топишнинг иложи бўлма-са-да, ҳар икки портретга назар солганимиз сари янги саволлар туғилаверади. Дарвоқе, “Бағдодлик дарвеш” “Мона Лиза”дан бир неча йил аввал яратилганини ҳам унутмаслик лозим. Бехзод италиялик мутафаккирининг беш асрдан буён санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келаётган ўша машҳур сирини ҳам биринчи бўлиб кашф этган бўлса ажаб эмас. Ҳар икки асарда қўлланган нур ва соя техникаси, ранглари залворни нақадар ўхшаш. Мазкур уйғунликни асарларнинг умумий композициясида кўриш мумкин. Шакл ва мазмун уйғунлиги... Таъсирий санъат ҳокисори эришишга қодир бўлган энг юксак чўққи шу эмасми аслида!

“Бағдодлик дарвеш” ва “Мона Лиза”... Бу портретлар икки буюк мусаввир ижодиди муштаракликка бир мисол ҳолос. Бехзод яратган портретларини урганишда давом этарканмиз, Шарқ миниатюраси Фарб рассомлари ижодига ҳам кучли таъсир кўрсатганида гувоҳ бўламиз. Бехзод Фарб классикларига шунчаки тақлид қилгани йўқ. У миниатюра ва Ренессанс аъналарини янги шакл ва мазмунда англашга интилди. Бунинг ёрқин исботини “Рассом портрети”да (1487) ҳам кўриш мумкин. Ушбу портрет Жентиле Беллинининг “Хатот” (1479-1480) асарига шун қадар ўхшайди, бу уйғунлик шунчаки тасодиф эмаслиги сезасиз. Беллини ҳам икки мактаб аъналарини бирлаштириш йўлларини излайди. “Хатот” Шарқ миниатюрасига хос нафис услубда ишланган бўлиб, унда Ренессанс портретида хос аъналар ҳам ёрқин акс этади. Ҳар икки портрети бир-бири билан солиштирар эканмиз, Камолитдин Бехзод нақадар юксак маҳорат эгаси бўлганини ишонч ҳосил қиламиз. Европа рангтаъсир аъналарини чўкур англаган мусаввир қахрамон образини Беллини сингари аниқликда таъсирлайди ва шу билан бирга, асарда миниатюрага хос поэтикани сақлаб қолишга эришади.

Фарб ва Шарқ мусаввирлари ижодига мавжуд бундай ижодий уйғунликлар ҳар қандай санъат ихлосмандини ҳайратга солиши шубҳасиз. Зеро, узоқ йиллар давомиди фонди Европа Ренессанс антик давр маданияти тарихида ривожланган, деган қараш ҳукмрон эди. Аммо сўнги таъдиротлар шуни кўрсатмоқдаки, бу жараёнда Шарқ санъатининг ҳам салмоқли ўрни бор. Демак, Европа Ренессанси ҳам Шарқ санъатига ўзига хос таъсир кўрсатганини инкор этмаслик лозим. Мазкур жараён ижодий аъналарнинг шунчаки ўзлаштирилиши эмас, балки кенг маънодаги ижодий мулоқот кўринишида кечди.

Таажжубки, Фарб ва Шарқ санъати ҳақида кўб борганда ханузгача бири-бириндан йироқ ва қарама-қарши ижодий жараёнларни тушуниш давом этмоқда. Ваҳоланки, бу узоқ йиллар давомиди қоллига айлиниб улгурган юзаси ёндашув ҳолос. Камолитдин Бехзод ва Леонардо да Винчи ижодига назар солар эканмиз, Шарқ ва Фарб санъатининг мулоқоти афсона эмас, балки реал ҳодиса эканига гувоҳ бўламиз. Ҳа, бу мусаввирларнинг ҳар иккиси улкан бир олам. Улар босиб ўтган ижод йўли эса аслида санъат деб аталувчи сарҳадсиз уммонда бирлашувчи икки дардидир.

Азиз ИМОНОВ

Муносабат

Алишер Навоий номидаги кино саройида болаларга бағишлаб филмлр намойиш этиш яхши аънамага айланган. Кўплаб жажки муҳлисларни жамловчи ушбу намойишлар давомиди ўзбек киносидида янги изланиш намуналари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Яқинда тадбир доирасида ўтказилган “Сариқ девни миғиб” (филм режиссёри Сарвар Каримов) филми намойишида иштирок этиб, болакайлар билан бир қаторда катта ёшдаги томошабинлар, соҳа мутахассислари ҳам ташриф буюришганига

гувоҳ бўлдик. Аксарият муҳлислар каторида янги суратга олинган картина менда ҳам катта таассурот қолдирди.

Табиийки, адабиёт намуналарига муносабат қилиш — кинобоп сценарийлар яратишнинг энг самарали йўлидир. Утган йили миллий кино санъатимизда ҳам шундай таърибага қўл урилиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асари асосида “Сехрли қалпоқча” филми сузатилган “Сариқ девни миғиб” филми сценарийнинг ижодий баҳосини олиб, кўпчиликнинг талаб ва истагига қўра филмнинг иккинчи қисми — “Сариқ девни миғиб” картинаси яратилди. Филмнинг яил саҳналари



“Сехрли қалпоқча”да бўлгани сингари кишлоқ ҳаётидаги янгиликлар таъсиринан бошланади. Беихтиёр қизиқарли саргузаштлар

ҲОШИМЖОН ГАРРИ ПОТТЕРГА ЎХШАМАЙДИ

оламга тушиб қолгандек бўласиз. Деярли ҳар бир эпизод учун болаларни ўзига тортадиган, уларда қизиқиш уйғотадиган воқеалар ечим тапанган. Масалан, Ҳошимжоннинг тасаввур орқали машҳур кино-қахрамон тимсолида намойён бўлиши, болалар ва катталар ўрнининг алмашиб қолиши каби лавҳалар томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Ҳошимжон образининг янгича талқин этилгани, қахрамоннинг ўрнак бўларли сифатлари кўпайгани филмининг янада қизиқarli қилибгина қолмай, унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам кучайтиради. Агар “Сехрли қалпоқ-

ча”да Ҳошимжон ўзининг нималарга қодирлигини исботлаш учун интилса, “Сариқ девни миғиб”да асосий эътибор қахрамоннинг ижодий хислатларини кўрсатишга қаратилди. Атрофдаги одамларга ёрдам бериш хисси уни турли жасоратларга ундайди. Натижада Ҳошимжон оиласига ташвиш келтирган Сариқ девни маҳв этади, дўстининг қишлоқда кутубхона очилиши учун қўмақлашиб, бу йўлда тўсиқ бўлаётган захарли илонлар билан жангга киришади. Айниқса, воқеалар интихосида Данак таъбиқининг гиёҳанд моддаларни билан кўлга олиниши ёмонликнинг жазо топиши муқаррар эканли-

гига ишорадир. Кино санъатида замонавий технологиялар кириб бораётган бугунги кунда томошабинни ҳайратга солиш осон эмас. “Сариқ девни миғиб” филмида бу борада салмоқли изланишлар амалга оширилган. Махсус эффектлардан Ҳошимжоннинг девларни кидириб чангалзорга йўл олиш саҳнасида умумли фойдаланилган. Бироқ шу ўринда эътироз уйғутувчи айрим жиҳатлар кўзга чалинади. Масалан, Ҳошимжон қиёфасида Фарб киносининг машҳур қахрамони — Гарри Поттерга ўхшаш жиҳатлар мавжудлиги ўзини оқламаган. Сабаби Гарри Поттер бошдан кечирадиган саргузаштларнинг характери, икки филмдаги воқеаларнинг умумий руҳияти бутунлай ўзгача. Шу боис томошабин Гарри Поттер билан унинг тақлидчиси-

ни дарров солиштириб кўради. Филмда анимацион кинога хос таъсир услубларидан умумли фойдаланилган диққатга сазовордир. Масалан, Сора фолбинининг жинлар билан юзма-юз келиши, Ҳошимжоннинг девни маҳв этгандан кейинги саргузаштлари айтиш шун йўсида намойиш этилиб, киноасарнинг ифодийлигини оширган.

Албатта, юз бора эшитгандан кўра бир бора кўрган афзалроқ. Умид қиламизки “Сариқ девни миғиб” томошабинларнинг сезимли филмларидан бирига айланади. Картина кино ижодкорларини янги изланишларга руҳлантирса ажаб эмас. Зеро, миллий адабиётимиз болалар учун кўп қисмли филмлр яратишга имкон берадиган катта ижодий захирага эга.

А.МАТЁКУБОВ

ИСТЕЪДОД УЧҚУНЛАРИ

Иқтидорли ёш қаламкашлар Дилором Мўминованинг "Анжир сайли", Дилдорхон Имомалиеванинг "Болалигим — лолалигим" тўпламлари ("Адиб" нашриёти, 2014) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тавсия этилиб, "Ижод" фонди ҳомийлигида "Менинг биринчи китобим" рукнида чоп қилинди. Иккала тўплам ҳам болаларга аталган. Уларда болалик оламнинг турфа манзаралари акс этган шеърлар жамланган.


Авалло шунга айтиш керакки, ёш қаламкашларга кўрсатилаётган бундай эътибор уларга катта

Болалар бекати

рағбат, мадад бўлмоқда. Хусусан, "Дўрмон" ижод боғида ўтказилаётган ижодий анжуманлар ёшларга қанот бағишламоқда. Д.Мўминова бу ҳақда ёзади:

**Дўрмон асли Тошкентнинг
Кўкси узра туморидир.
Дилоромга илҳом берган,
Ижод боғин хуморидир.**

Д.Имомалиеванинг тўпламидаги илк шеър "Она ватан" деб номланган. "Менинг олим ҳаммадан гўзал, Кулишлари бирам чиройли", деган самимий мисралар билан бошланган шеърда болаларга хос содда таъриф, ташбеҳлар ишлатилган. Дарҳақиқат, ўз онасини ҳаммадан гўзал ва меҳрли деб билиш, айниқса, болаларга хос хусусият. Шеърда она образи Ватан билан ёнма-ён қўйилиб, яхлит "она-Ватан" манзараси яратилган: "Ватанимдек бағри кенг онам, Онам каби меҳрибон Ватан".



Тўпламдаги "Муштақиллик", "Юлдузлар", "Яшна Ватан-онажон", "Ўзбекистон ёшларига", "Тошкент" каби шеърларда истиқлол шарафидан яшнаётган диёр ва унинг бағрида яйраб камол топаётган авлоднинг шукронаси самимий тарзда куйланади. Дилдорхон ўз дилидаги рост туйғуларни, жўшқин ҳисларини шунчаки ахборот шаклида эмас, турли тасвир воситаларида ва усулларида бадиий талқин этадики, бу ўқувчида ёқимли кайфият-таассуротлар уйғотади:

**Бувижоним айтганларидай
Жон шахрисан, иймоннинг шаҳри.
Сенга келган ҳар бир меҳмоннинг
Кулар дили, очилар баҳри.**

"Оқ теракми, кўк терак" шеърда эса сўз ўйини усулидан фойдаланиб, ўз фикрини шундай ифода этади:

**Оқ теракми, кўк терак,
Ватан учун ким керак?
Уни жондан севувчи
Фидойи фарзанд керак.**

Маълум бир фикр-ғояни қуруқ хитоб ёки жўн баён орқали эмас, бадиий тасвирлашга интилиш ёш қаламкашнинг қуртак отаётган истеъдодидан дарак беради.

Болалар ҳаётида доимо катта ёшдагилар билан ёнма-ён, ҳамнафас яшаб, ўзаро мулоқотда, муносабатда бўлади. Шундан келиб чиқиб, Д.Мўминова катталарнинг гап-сўзларини, халқ ибораларини ўзларча тушунган болаларнинг самимий қулгу уйғотуви ҳолатларини қаламга олади. "Деворнинг қулоғи" шеърда акасининг галидан хайрон бўлган ука: "Дада, қизик, ростини айтинг, деворнинг ҳам қулоғи борми?" деса, "Гап" шеърда дадасининг "Гап еймиз" деганини эшитган қизча ойисидан "Ойи, гапни чайнаб ейдимми?" деб сўрайди. "Қил сизмайди" шеърда ҳам икки орасининг орасига қил ҳам сизмайди, деб эшитган қизча хайрон бўлиб, улар иккови "Мени ўртасида олиб юриди-ку", деб ўйлайди. Кичик болаларнинг бундай содда ва табиий ўй-саволлари Дилоромнинг шеърларида юмори таъминланган. Юмор эса боланинг жону дили. У ёш китобхонга самимий завқ-шавқ улашади.



Умуман, Дилором болаларга хос шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қилади. "Олмош ва оламош" шеърда ҳам дарсада қолай ўтирган бола — Жасурбекдан ўқутувчи "олмош" ҳақида сўраганида, у шошиб, нотўғри тушуниб:

**Оламошим сакроқ,
Кезар кўшни томини.
Қизик, қайдан билдингиз,
Мушугимнинг номини —**

дейди. Жасурнинг бу ғалати жавоби ўқувчида беихтиёр беғубор қулгу уйғотади. Бундай шеърлар ёш китобхонда қулгу уйғотиши баробарида уларни ҳар бир сўз-тушунча, савол-сўровни яхши англаб, мағзини чақиш кераклиги ҳам ўргатади, хушёр торттиради.

Хуллас, ҳар икки тўплам муаллифларнинг истеъдод учқунидан дарак бериб турибди. Албатта, бу учқун алангага айлангани учун устозлар сабоғи, ижоднинг завқли қийноғи уларга доимо ҳамнафас бўлмоғи лозим.

Турсунбой АДАШБОЕВ,
Дилшод РАЖАБ

"SHARQ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

27 июн – Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Сизни самимий муворақбаб этади!



Барча тадбиркор ва китобхонлар, шунингдек, ўқувчи-талабалар диққатига!

"SHARQ" компанияси шу йилнинг 15 майдан 1 сентябрга қадар "Китоб — энг яхши совға ва бойликдир" акциясини эълон қилади.

Акцияда иштирок этиб, компания томонидан нашр этилган китобларни 20 фоизгача чегирмали нархларда сотиб олиб, ўз яқинларингизга совға қилинг ва китоблар сотуви орқали даромаднингизни кўпайтиринг.

Ушбу акция билан боғлиқ саволлар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали боғланишингиз мумкин:

Тел: 8-371-233-04-04, 233-76-44 (факс). Маркетинг ва савдо бўлими.

"SHARQ" — ўз аъналарига содиқлик, юксак технология, замонавий услуб! Барча турдаги ноширлик ҳамда матбаа хизматларини тақлиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-04-04, 233-90-50.

Факс: (+99871) 239-43-17, 233-35-90. Web: www.sharq.uz. E-mail: info@sharq.uz

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

**Диққат
акция!**



"ТАФАККУР"

2014 йил, 2-сон

Журналнинг ушбу сони, одатдагидек, мухлислар севиб мутолаа қиладиган, ўқувчини мушоҳадага чорлайдиган, мазмунан теран мақолаю суҳбатлар, шеърли ва насрий асарлар, қизиқарли тадқиқотларга бой. Таниқли шоир Эшқобил Шўқур ва журнал мухбири Со биржон Ёқубовнинг "Инсонини инсондек кўрмоқ орузи" сарлавҳали суҳбатида инсон ва виждон, миллат ва унинг руҳиятига доир маънавий муаммолар хусусида мушоҳада юритилади. Шоир Ватан



мавзусидан сўз очиб, миллий дид масаласига, дунёда ҳар йили йигирма бешта тил йўқолиб бораётганига, ҳатто ўз тилининг бору йўқлиги билан заррача иши йўқ кимсалар ҳам учрашига эътиборни жалб этади.

Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов "Сўз латофати" мақоласи давомида она тилимизнинг бой маъно товланишлари ҳақида фикр юритади.

"Тафаккур" мухлислари "Кўнгил салтанати" рукнида Ибодат Ражабова ва Алишер Назар шеърлари, Абдулхамид Исмоилнинг "Анкабут" сарлавҳали

Журналларни варақлаганда

ҳикоясини ўқишлари мумкин. "Тирик сўз" рукнида Сулаймон Раҳмоннинг устоз адиб Асқад Мухтор ҳақидаги "Тинчоқар дарё" эссеси, "Ўтганлар ёди" рукнида Мирозиз Ўззамнинг таниқли шоир Р.Парфи хотирасига бағишланган "Ёғар эди ёмғир шигалаб" ҳамда "Янги аср муаммолари" рукнида Исмаилов Тўхтаровнинг "Субманданият кўланкаси" сарлавҳали мақолалари берилган. Шунингдек, "Маъно ва моҳият", "Жавондаги жавоҳир", "Талқин ва тадқиқотлар", "Моҳият жилолари" каби руқналар остида ҳам рангбаранг мавзулардаги қизиқарли мақолалар эълон қилинган.

ҚИЗИЛҚУМ САНЪАТ ФУНЧАЛАРИ

Навоийлик болалар ёзни катта санъат байрами билан кутиб олдилар. "Соғлом бола йили"га бағишланган "Қизилқум санъат фўнчалари — 2014" болалар кўрик-фестивалида Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли маданият муассасаларидан тўрт юздан ортиқ ёш истеъдод қатнашди. Улар яқка ижро, чолғу ансамбллари ва оркестрлар ҳамда рақс (миллий, эстрада, халқ рақслари) йўналишларида беллашди.

Халқ рақслари бўйича "Олтин водий" маданият саройининг "Афсона" ансамбли, "Бинафша" гуруҳи, "Фарход" маданият саройининг "Ширин" ва "Бахтли болалик" жамоалари голиб бўлишди. Эстрада рақсида "Ёшлик" маданият-спорт маркази, "Шок" ансамбли биринчи даражали диплом билан, "The best" ҳамда "Drive" гуруҳлари Гран-при билан тақдирланди.

Оркестрлар ва чолғу ансамбллари йўналишида "Қизилқум сози" ҳамда "Садо" ансамбллари биринчи ўринга лойиқ топилган бўлса, "Ниҳол" халқ чолғу оркестри Гран-прига сазовор бўлди. Яқка ижрода Амир Эшқўжаев ва Элвира Тўлақобулова биринчи даражали дипломга, Мафтуна Тўраева Гран-прига лойиқ топилди.

Кўрик-танлов

Шахрибону СУЯРХОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Умида Абдуваҳобова турмуш ўртоғи Абдуваҳоб АБДУҒАФФОРОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Ҳанифа Солиҳовага турмуш ўртоғи Насриддинбек ҲАСАНБОЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.	"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Истиқлол" санъат саройи директори Мирзаанвар ХАЙДАРОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.
--	--	---

**МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

ҲОМИЙ:
**"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилмиз:
info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Нам ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Сирождин САЙИД

Тахририятга келган кўзёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифабош — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 6841 Буюртма I — 658. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

9 772381 614000